

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ СОЧИГА ТАШРИФИ ҲАҚИДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 7 февраль куни Сочи шаҳрида XXII қишки Олимпия ўйинларининг очилиш маросимида иштирок этди.

Ўзбекистон Президентини «Адлер» аэропортида Сочи шаҳри раҳбарияти ва Халқаро Олимпия қўмитаси вакиллари кутиб олди. Давлатимиз раҳбари шу куни мазкур улкан халқаро спорт байрами учун махсус барпо этилган Олимпия шаҳарчаси мажмуасидаги «Фишт» стадионида бўлиб ўтган Олимпия ўйинларининг расмий очилиш маросимида иштирок этди.

Ушбу ажойиб ва гўзал тадбир Олимпиада иштирокчилари ва меҳмонлари учун, ҳеч шубҳасиз, асосий воқеа бўлди. Бош постановкачи, тажрибали продюсер К.Эрнст раҳбарлигида тайёрланган мазкур маросим микросининг кенглиги ва ноёб техник ечими билан стадиондаги барча томошабинларга катта завқ бағишлади, уларда унутилмас таассурот қолдирди.

Бутун дунёдан келган спорт мухлислари тўрт йилликнинг асосий қишки мусобақаларида иштирок этаётган мамлакатлар жамоаларини самимий қутлади. Россиянинг машҳур спортчилари иштирокида

Олимпия маршаласининг ёқилиши маросимнинг энг ёрқин давлари бўлди. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Социга ташрифи доирасида Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан амалий учрашув ўтказди. Анъанавий дўстлик ва очқилик руҳида ўтган суҳбат давомида томонлар кенг қўламли ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати, Ўзбекистон Президентининг Туркманистонга бўлажак расмий ташрифи хусусида фикр алмашди.

Социдаги тадбирлар давомида Ўзбекистон Президентининг Туркия Республикаси Бош вазири Ражаб Таййиб Эрдоғон билан қисқа учрашуви ҳам бўлиб ўтди. Икки мамлакат раҳбарлари ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолатини муҳокама қилиб, ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш лозимлигини таъкидлади. Шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳақида ҳам фикр алмашди. Учрашув самимий ва дўстона руҳда ўтди.

Сурхондарё Вилояти

Термиз шаҳрида 2013 йилда Сурхондарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган фаоллар ййгилиши бўлиб ўтди.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Вилоят ҳокими Э.Жўраев бошқарган ййгилиши сим орқали мулоқот шаклида ташкил этилиб, муҳокама жараёнларини маҳаллий Кенгашлар депутатлари, бошқарма, ташкилот ва идоралар, йирик sanoat корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари, фуқаролар ййгинлари раислари, коллеж директорлари кузатиб бориш ҳамда ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашиш имкониятига эга бўлди.

Ййгилишда Президентининг жорий йил 17 январда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросига алоҳида эътибор қаратилиб, ўтган йили вилоятда амалга оширилган ислохотлар натижалари ва йил қўйилган камчиликлар чуқур таҳлил қилинди.

Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, хусусий секторда янги лойиҳаларни ишга тушириш юзасидан олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар воҳа иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришда муҳим омили бўлаётгани қайд этилди. Ҳисобот даврида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 110 фоизни, капитал қўйилмалар ҳажми 123, пудрат ишлари ҳажми 114,7, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 106,5, пуллик хизматлар 118,5, чакана савдо айланмаси 117,2 фоизни ташкил этди.

Вилоятни 2013-2015 йилларда ижтимоий-иқти-

содий ривожлантириш дастурига асосан ўтган йили умумий қиймати 121,8 миллион долларга тенг бир минг 432 лойиҳа амалга оширилиб, 17 мингдан зиёд иш ўрни яратилди. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 323,6 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди. 1 минг 279 кичик бизнес субъектининг фаолияти қайта йўлга қўйилди. Вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ташкил этилди.

Фаоллар ййгилишида эришилган ютуқлар билан бирга йўл қўйилган камчиликлар чуқур таҳлил қилинди. Жумладан, Термиз шаҳри, Ангор, Денов, Жарқўрган, Қизирчи, Музработ, Шўрчи туманларида sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш прогноз кўрсаткичлари бажарилмагани, Музработ, Ангор, Жарқўрган, Қизирчи туманларида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш виллоятнинг ўртача кўрсаткичидан пастигича қолаётгани танқид қилинди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди.

Сурхондарё вилояти фаоллари ййгилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди. **Х.МАМАТРАЙИМОВ, ЎЗА МУХБИРИ.**



СОҒЛОМ БОЛА – ОИЛА ҚУВОНЧИ

Наманган вилояти Она ва бола скрининг марказида болаликдан ногиронликнинг олдини олиш, наслий касалликлар ва туғма нуқсонларни имкон қадар эрта аниқлаш, уларни ўз вақтида бартараф этиш ҳамда соғломлаштириш бўйича барча замонавий

шароитлар яратилган.

Бу ерда перинатал текширув – ҳомиланинг ривожланишини кузатиш, чақалоқлардаги туғма хасталикларни аниқлаш, ирсий ва туғма хасталик билан туғилган беморларга ҳамда ногирон фарзанди бор оилаларга тиббий-

генетик маслаҳат ва даволаш хизмати кўрсатилмоқда.

СУРАТДА: шифокор Гулчебра Каримова ҳамда ҳамшира Моҳида Нурматова.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган сурат.

Жиззах Вилояти

БАХМАЛ БОҒЛАРИДА БАХТ ЙЎРГАКЛАНГАН

Бахмал туманининг Новқа қишлоғидаги Донақул Соатов бошлиқ «Алишер Соатов» фермер хўжалиги тасарруфидан 24 гектар лалми ва 9 гектар сугориладиган ер майдони бор. Хўжалик аъзолари ана шу озгина ердан ҳар йили катта даромад олишга оdatланган. Бунинг сирини эса ердан оқилона фойдаланиш ва меҳнатни тўғри ташкил этишдадир.

— Олдинги йилларда лалми ерга фақат галла экардик, — дейди фермер. — Бундан уч йил бурун тўрт гектарга ток қаламчалари ўтказдик. Лалмининг ери ҳам, дони ҳам, меҳнати ҳам жуда қаттиқ бўлади. Шунга чидаган деҳқонгина кўзлаган ҳосилини олиб, мақсадига эришди.

Ҳозир сугорма ерли чўл туманлари-

га борсангиз, девяри аксарият фермер хўжаликлари аъзоларининг ўз далаларига яқоб суви бераётганини кўрасиз. Пахта етиштириш учун шудгорлаб қўйилган пайкалларда бу сув тупроқни шўрдан аритиш учун берилса, галлазорларга чилла суви сифатида таралмоқда. Қишки чилла суви билан ёзи чилла сувининг ҳосилдор-

ликини оширишдаги аҳамияти баб-баравар. Хатто қишки чилла суви устунлик ҳам қилади. Негаки, пайкалда намлики кучайтириш билан бирга, тупроқ тузини ҳайдайди.

Бизнинг тоғ этагидаги лалми ерларимизда галлани нафақат чилла суви, балки умуман обихайётга қондириш имконияти йўқ. Шунинг учун «лалми» дейилади-да. Тоғимизда қиш эрта бошланиб, то ёзгача қор қават-қават сақланиб тураверади. Шунга кўра, биз кеч куздаёқ галлазорларимизнинг тепа томонларида қор уюмлари ҳосил қиладиган махсус тўсиқ — дамбалар тайёрлаб қўямиз. Дамбаларда иложи борида кўпроқ қор тўплашга ҳаракат қиламиз. **(Давоми 2-саҳифада)**



Қашқадарё Вилояти

ИСТИҚБОЛНИ ТАРМОҚЛАР – ТАРАҚҚИЁТ ИРМОҚЛАРИ

Қашқадарё вилоятида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида истиқболли тармоқларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўтган йили вилоятда чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларчиликни ривожлантириш, иссиқхоналар ва интенсив боғлар барпо этиш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, чорвачилик соҳасида 528 та, паррандачиликда 123 та, асаларчиликда 79 та, балиқчилик бўйича 43 та лойиҳа амалга оширилди. Ушбу лойиҳалар асосида чорва моллар сони 9 мингдан зиёдга, паррандалар сони 414 мингдан ортиқ, асалари оиласи 5,6 мингтага ошди, балиқ гўшти етиштириш 161 тоннага кўпайди. Қўглаб майдонларда иссиқхоналар, интенсив боғлар барпо қилинди. Барча лойиҳаларнинг татбиқи этилиши натижасида 2337 та янги иш ўрни яратилди.

2014 йилда ҳам вилоятда бу каби ишлар изчил давом эттирилмоқда. Чорвачилик йўналишида 162 та, паррандачиликда 38 та, асаларчиликда 39 та, балиқчиликда 25 та лойиҳа амалга оширилиши мўлжалланган. 30 гектар ерда иссиқхона, 246 гектар ерда интенсив боғ барпо этиш режалаштирилмоқда. Натижада 1445 та янги иш ўрни яратиши мўлжалланаётир. Уларга эса асосан касб-хунар коллежларини тамомлайдиган ёшлар жалб этилади.

Хусан ТЕМИРОВ

Хоразм Вилояти

ҲАМКОРЛИҚ САМАРАСИ

Боғот маиший хизмат ва ахборот технологиялари касб-хунар коллежини ўтган ўқув йилида 421 нафар ўқувчи битириб, улардан 19 нафари олий ўқув юрти талабалари бўлишди. 26 нафари тижорат банкларида имтиёзли кредит олиб, тадбиркорлик билан шуғулланишмоқда. Қолган битирувчиларнинг ҳам барчаси иш билан таъминланди.

Таълимда сифат самарадорлигига эришилганлиги, дарс машғулотлари замонавий педагогика технологиялари асосида олиб борилаётгани, шунингдек, «оила — маҳалла — коллеж» ҳамда «коллеж — корхона» ҳамкорлигининг яхши йўлга қўйилгани муваффақиятлар гарови бўляпти. Жорий ўқув йилида коллежнинг 9 нафар ўқувчиси вилоятда ўтказилган фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этиб, республика босқини йўлнамасини қўлга киритгани ҳам фикримиз исботидир.

— Яқинда ўқувчиларнинг дарс машғулотлари мунтазам қатнашини таъминлаш, энгиллик яратиш мақсадида бир хайри ишни амалга оширдик, — дейди коллеж директори Муҳаббат Абдуллаева. — Гап шундаки, ўқувчиларнинг маълум қисми олис манзилдан қатнайди. Бу муаммони ечишда бизга «Худойберганхоразмтранс» корхонаси ақиндан ёрдам берди. Корхона раҳбари Рустам Бобожоновнинг ташаббуси билан 377 нафар ўқувчига ушбу корхона транспортидан фойдаланиш учун имтиёзли, қулай шароит яратиб берилди. Бу эса ўқувчиларнинг машғулотга ўз вақтида етиб келишини таъминламоқда.

Холмурод ҚУРБОНОВ

9 ФЕВРАЛЬ — АЛИШЕР НАВОЙИ ТАВАЛЛУДИ КУНИ

БАШАРИЯТ ЭЪЗОЗИДАГИ ШОИР

ШУ КУНЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗДА БУЮК МУТАФАККИР ШОИР АЛИШЕР НАВОЙИ ТАВАЛЛУДИНИНГ 573 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР, АДАБИЙ КЕЧЛАР, ИЛМИЙ АНЖУМАНЛАР, МУШОИРАЛАР ЎТКАЗИЛМОҚДА.

Анъанага кўра, 9 февраль куни Алишер Навоий номи билан аталувчи Ўзбекистон Миллий боғида шоир таваллудининг 573 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, Қизирчи, Музработ, Шўрчи туманларида sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш прогноз кўрсаткичлари бажарилмагани, Музработ, Ангор, Жарқўрган, Қизирчи туманларида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш виллоятнинг ўртача кўрсаткичидан пастигича қолаётгани танқид қилинди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, навоийшунос олим, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети тети доценти Г.Одилова, шоир Н.Жонузқов ва бошқалар Президентининг Ислам Каримов раҳнамолигида буюк аждодларимизнинг бой илмий-маърифий меросини ўрғаниш борасида олиб борилаётган улкан ишлар миллий адабиётимизни ривожлантириш, халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтиришга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Маънавият ва маърифатни юк-

салтириш, баркамол авлодни вояга етказиш, она тилимиз, миллий адабиётимиз равнақида улуг шоир, мутафаккир Алишер Навоий ижодининг ўрни беқиёсдир. Алишер Навоийнинг бадиий ва илмий меросини ўрғаниш, асарларини нашр этиш, мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан бу борадаги ишлар ҳар томонлама рағбатлантирилиб, шоир асарларининг мукамал тўплами нашр этилди.

Шоирнинг асарлари умумтаълим масканлари, коллеж ва лицейлар, олий таълим даргоҳлари, илмий-тадқиқот муассасаларида кенг ўрганилмоқда. Буюк мутафаккир номи билан юритилувчи маърифат маскани – Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Навоий асарларининг электрон шаклини яратиб, бу йўналишда хориждаги нуфузли кутубхоналар, музейлар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш юзасидан изчил ишлар олиб борилмақда.

Навоий асарлари жаҳон халқларининг қўлаб тилига таржима

қилинмоқда, китоб ҳолида нашр этилмоқда. Мутафаккир бобомизга улкан эҳтиром рамзи сифатида дунёнинг қатор шаҳарларида унинг ҳайкаллари ўрнатилган.

Польша Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулдада ва мухтор элчиси Мариан Пшезьдзецки Алишер Навоий асарларида тараннум этилган, инсониятни эзгуликка ундовчи гоғлар умрбоқийлиги билан бутун башариётнинг маънавий хазинасига айланганини таъкидлади. Шоирнинг газаллар тўплами яқинда польшалар мутахассислар томонидан илк марта поляк тилига ўгирилиб, алоҳида китоб ҳолида ўқувчилар эътиборига ҳавола этилгани бунинг яққол намунасидир.

Ўзбекистон халқ артисти А.Рафиков «Фарҳод ва Ширин» достонидан парча ўқиди. Навоий газаллари билан айтилувчи қўшиқлар ижро этилди. Ташкент давлат шарқшунослик институти талабалари шоир газалларини инглиз, немис, француз, япон, корей тилларида ўқиб берди. Навоийга бағишланган шеърлар ўқилди.



Тадбир иштирокчилари Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов, Ташкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов иштирок этди.

Шу куни пойтахтимиздаги Шоирлар хибонидида Алишер Навоий ижодиغا бағишланган мушоира бўлиб ўтди. Унда ёзувчи ва шоирлар, навоийшунос олимлар, ёш ижодкорлар, ёшлар иштирок этди.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети про-

фессори Н.Жабборов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, халқ шоири С.Сайид, Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси бош муҳаррири, шоир С.Жақимов ва бошқалар Алишер Навоий ижоди инсониятни эзгуликка ундаб келатганини таъкидлади. Мушоирада улуг мутафаккир асарларидан намуналар ўқилди.

Буюк шоир таваллудига бағишланган адабий-маърифий тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятларда бўлиб ўтмоқда.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА МУХБИРИ.

БАХМАЛ БОҒЛАРИДА БАХТ ЙЎРГАКЛАНГАН

(Боши 1-саҳифада)

Худудимизда бу йилги қиш серёғин келгани айтиш мумкин бўлиб, дамбаларимизга жуда кўп қор сураямиз. Тўплаган ўрқач-ўрқач қорларимиз океандаги айсберглар сингари олислардан кўзга ташланади. Орадаги қор эриётган кунларда эса ҳўжалигимиз ишчилари — Омон Абдураулов, Фурқат Соатов, Ҳамид Маматқулов ва бошқалар ушбу эрима обихаётни галлазоримизга окизишпти. Сотих-сотихлаб, 20 гектар бугдойзоримизнинг 16 гектарини қор сувига қондириб бўлди. Бу, чилла суви демасдики. Бу сув ёзги уч суғориш фойдасини беради. Шу билан бирга ушбу майдонларнинг ҳар гектарига 3,5-4 тоннадан маҳаллий ўғит чиқарди. Ҳар йили шу тарзда ишлашимиз туфайли ҳар гектар лалми галлазоримиздан 15-16 центнердан ҳосил оламиз. Ўтган йили эса 20 центнердан хирмон уйдик.



— Лалми ерларда тоқчиликни ривожлантириш мумкинми?
— Мумкин бўлганда қандай, денг, жуда аломат. Узуми ширин ва шифобахш бўлади. Бир йил тоқ эксангиз, йигирма йил узум ейсиз. Қора қишмишларимиз майизини айтинг. Ҳар донаси ўрқачдай келади. Бундай майизлар дастурхон кўрки бўлибгина қолай, фармацевтика ва қандолатчилик маҳсулоти ҳамдир. Камқаликка яшаш даво.
Биз ўз тоқзоримизга қора қишмиш, ҳусайни ва тоифи навларини ўтказдик. Бу йил ҳосил беради. Айни пайтда тоқзоримиз уватларидида дамбаларини ҳам қор билан тўлғазиб турибмиз. Тоқлар кўп сув талаб этмайди. Аксинча, кўп суғорилса, кул ва шира босиши мумкин. Мухими, тоқзорингиз очқ жойда бўлиб, қуёш нурлари яхши тушиб турса, кўнидагидай ривожланади. Боболардан қолган нақлага қараганда, тоқлар “Бизга соя ҳам, ҳамсоя ҳам керакмас” дермиш.
— Тўққиз гектар майдонда боғимиз бор, девдингиз...
— Ҳа! Аникроғи, олмазоримиз бор. Унда “Семиренок”, “Голдинг-6” ва “Боровинко” навли олмалар етиштиряймиз. Унови ҳам серҳосил ва иқлимимизга мослашиб қолган навлар.
Баҳмал олмаларининг таъриф ва мақтовларини эшитгансиз, албатта. Айтишларича, бундан неча минг йиллар илгари баҳмалликлар асосан чорвачилик билан шуғулланиб, тоғу тошлар узра кўра-

қўра кўйлар, уюр-уюр йилқилар боқиб, ҳаёт кечиршаркан. Сўтқаймоққа серобликларини учун кўплаб қатик, курут, қимиз тайёрлашга, Сангзор водийси қишлоқларига тарқатишаркан.
Бир кун иш чўпон ғайрати вужудига сиғмай, боқувидида кўйларни Ойқорнинг баланд чўққиси сари ҳайдабди. Лекин кўйларини ҳам толиқиб, ҳам қоринларини тўйганидан чўққига етмаёқ ёталоклай бошлабди. Йигит кўйларини қолдириб, чўққига яқинлашиб борибди ва ўрқач-ўрқач қор куртуқлари устида ёнбошлаганича оппоқ соқоли нуроний киши пичоғи билан қипқизил олма арчиб, еб ўтирганини кўрибди. Йигит одоб ва тавозе билан отахонга салом берибди. Шу билан бирга, бундай кекса кишининг хатто ёшлар ҳам чиқа олмайдиган бу қадар юксак чўққига қандай чиқа олганидан ҳайратланибди. Зийрак отахон эса буни билиб-сезиб турган экан.
— Сен билан учрашгани чиқдим, — дебди кулганча кўксига тушган соқолини силаб ва ёнидаги тугунни йигит томон сурибди. — Тугундаги олма уруғларини экасан ва улар серҳосил бўлади, гўзал боғларга айланади. Мана бу пичоқдан андоза олиб, қишлоғингизда пичоқчилик хунармандчилигини йўлга қўясан. Учқур отларинг учун эса эгар тайёрлаб келганман. Эгарчилик жуда яхши касб. Хуллас, айтганларимни қилсанг, ҳалол ишлаб, саховатли бўлсанг, бутун авлодинг бахтли, фаровон яшайди.
Йигитнинг отга ишқибозлиги

шу қадар кучли эканки, нарироқда ялтираб турган эгарни кўриб, беҳитиёр ўрнидан салчиб тургани ҳам, эгар ёнига етиб, уни бир муддат силаб-сийпаганича ағрайиб қолганини ҳам сезмабди. Эгар шу қадар чиройли ва пишқоқ эканки, йигит унга ўтириб, ўзини афсонавий ғирқук устида олиб кетаётгандай хис этибди. Бир пайт ўзига келиб, отахондан “Бу юксак баландликка ўзингиз чиққанингиз етмагандай, шунча юк билан қандай чиқдингиз, менинг бу ерга келишимни қаердан билдингиз?” деб сўраш учун оғиз жуфтлаб, юз бурганида отахон гойиб бўлган экан. Йигит бу воқеани туш дейин, деса, олма, пичоқ ва эгар ёнида турар, отахон эса арши-аълога учиб кетгандай, яшинишол қоя бағрига сингандай эди. Шунда у Ҳўжаи Хизир бобога йўлиққанини тушунди.
Мана, асрлар оша Ойқор этаклари гўзал, серҳосил боғларга бурканди. Туман фермерлар кенгашининг боғдорчилик мутахассиси сифатида айтишимиз мумкинки, айни пайтда туманимиз фермерлари тасарруфидаги боғлар 3176 гектар, аҳоли боғлари 1,5 минг гектардан зиёд бўлиб, бу боғлардан ўтган йили 40 минг тонна мева олинди. Бу йил эса туман бўйича 53 минг 400 тонна олма етиштириш режалаштирилди. Ахир бу маъмурилик-тўқинчилик-да!
Баҳмал хунармандлари тайёрлаётган пичоқ ва эгарлар нафақат Ўзбекистонимизда, балки қўшни юртларда ҳам ниҳоятда ха-

кичга етказиб бердик.
Бу йил галламиз ҳолати ҳам, боғимиз ҳам кўнгилдайди. Тоқзоримиз ҳосилга қиради. Сотих учун 20 минг туп, туман ва вилоят ободончилиги учун 5,5 минг туп сара кўчатлар тайёрлаганимиз. Бинобарин, ҳомийлик эҳсонларимиз ҳам, даромадларимиз ҳам кўп бўлади. Соғлом бола йили муносабати билан вилоятдаги Меҳрибонлик уйи ҳамда шифоналарга 4-5 тонна мева етказиб бериш ниятидамыз. Тоқзоримизнинг илк ҳосилидан ҳам баҳраманд этамиз.
Ҳа, бунга ишонамиз. Дехқон аҳли изланиб ишларкан, атрофидигилардан ҳиммат ва саховатларини дариг тутмас экан, бахтли, фаровон яшайверади. Юқорида айтилган ривоят мазмуни ҳам шунини ифодалайди.
Дарвоқе, Новақда боғбонлик ва соҳибкорликнинг ҳадисини олган, тоғонди лалми худудларида боғ ва тоқзорлар барпо этиш бўйича тажрибали мактаби яратётган Донақул Соатов сингари кишилар анча. Камол Холбоев, Муган Қўшбоқов, Усмон Иброҳимов ва бошқалар шулар жумласидандир. Улар сара ва касалликларга чидамли боғу тоқзорлар яратиш билан бирга, айни пайтда ўз қишлоқларида йилга минг тонна мевани сақлаш ҳамда қайта ишлаш корхонаси барпо этишга ҳам киришди.
— Баҳмалдаги барча боғлар Тошкент, Самарқанд, Гулистон, Жиззах ва бошқа катта шаҳарларда фаолият юритаётган тадбиркорларнинг эътиборида, — дейди тажрибали боғбон Усмон Иброҳимов. — Олмаларимизга ранг ва таъм киря болашиши билан улар боғларимиз парвонаси бўлиб қолади. Ахир кимнинг сифатли ва яхши маҳсулотларини кўлдан бергиси келади?
Бу йил қишлоғимиз боғбонлари бамақсад 20 гектар майдонда интенсификация бўйича тажрибали боғ яратишга тайёрланишпти.
Ҳа, Баҳмал шунақа изланувчан, тадбиркор, саховатли ишбилармонлар тумани. Унга Хизир назари тушган. Тоғликлар ўз туманимиздаги кам таъминланган оилаларга, мактаб, шифона ва мактабгача таълим муассасаларига, боқувчисини йўқотган кишиларга туҳфа этган 2 тонна олмаларимиздан ташқари қарийб 10 тонна ҳосилимизни бозорларга чиқардик, 6 тоннасини Самарқанддаги марказлашган совет-

Келдиёр ЖўРАҚУЛОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.

АНЖУМАН

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида журналистика соҳасида “Олтин қалам” IX Миллий мукофоти учун халқаро танловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг йиғилиши бўлиб ўтди.

«ОЛТИН ҚАЛАМ» СОҲИБЛАРИНИ КУТАДИ

Унда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Фулмонов, журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази директори Г.Бобожонова ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантириш, соҳа ходимларини ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, эркин ва самарали ижод қилишга шариоит ва имкониятлар яратиш борасида кен қўламли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади.



IX Миллий мукофоти учун халқаро танловни ташкил этиш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Хусусан, ташкилий қўмитанинг ишчи гуруҳи тарқиблари ҳамда иш режаси муҳокама этилиб тасдиқланди.

Тадбирда таъкидланганидек, танловни ўтказиш жараёнида таниқли журналист ва экспертлардан танлов ҳайъати шакллантирилади. Танловга тақдим этилган ижодий ишлар давлатимиз раҳбарининг журналистлар олдига қўйган вазифалардан келиб чиққан ҳолда баҳоланади. Йиғилишда бу йилги танлов доирасида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳамкорлигида миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шариоит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида ўтказиб келинмоқда.
Танлов телевидение, радио, босма ОАВ ва интернет-журналистика йўналишлари бўйича ўтказилади. Унда 13 та мукофот, жумладан, битта бош миллий мукофот, ҳар бир йўналишлар бўйича учтадан мукофот таъсис этилган.
Йиғилишда “Олтин қалам” Наргиза ҲОТАМОВА

Наманган Вилояти

Наманган шаҳрида қурилиш ва дизайн касб-ҳунар коллежидида меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. У Наманган шаҳри ҳокимлиги, прокуратураси, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш маркази ҳамда “Камолот” ЁИҲ ҳамкорлигида ташкил этилди.

ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИ

Меҳнат ярмаркасида 88 та корхона, ташкилот ва муассаса томонидан 905 та бўш иш ўрни тақлиф этилди. Айниқса, шаҳар “Тоза ичимлик суви” шўъба корхонаси, “Дамас” масъулияти чекланган жамияти, Наманган транспорт ва ахборот технологиялари коллежи, вилоят талаба ва ўсириллар диспансери, “Наманганмаш” акциядорлик жамияти томонидан тақлиф этилган бўш иш ўринлари тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Натижада 138 кишига ишга жойлашишга йўланма берилди.
— Шаҳар “Ободонлаштириш” корхонасига ишга қабул қилиндинг, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2013 йил 12 декабрдаги Амнистия акти туфайли жазодан озод этилган Раҳимжон Абдураҳмонов. — Менга кўрсатилган чексиз инсонпарварлик, ғамхўрликка жавобан энди ҳалол меҳнат қилиб, билдирилган ишончнинг оқлашга ҳаракат қиламан.
Маъмур МУСУЛМОНОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.

Навоий Вилояти

МЕҲНАТКАШЛАР МАНФААТИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Кармана тумани кенгашида 60 та бошланғич ташкилот мавжуд. Уларга 9 минг нафарга яқин касаба уюшма аъзолари бирлашган. Уларнинг 4 минг нафари қишлоқда етакчи куч бўлган фермерлик ҳаракати вакилларидир.
— Ўтган йил давомида кенгаш томонидан тармок тизимидаги меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоялаш, меҳнатини муҳофазаси қилиш, улар оила аъзоларини соғломлаштириш ҳамда дам олдириб, шунингдек, маданий-маърифий ва спорт соҳасида қатор ишлар амалга оширилди, — дейди агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Кармана тумани кенгаши раиси Ўткир Ражабов.
Жойларда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида микрокредитлар ажратишга кўмаклашилди. Маҳаллалардаги кам таъминлан-

КАСАБА УЮШМАЛАРИДА

да фоизсиз кредит берилди.
Меҳнаткашларнинг саломатликларини яхшилаш ва дам олишларини ташкил этиш мақсадида 35 нафар кишига ижтимоий суғурта маблағларидан 18119,5 сўмлик, 22 нафар кишига касаба уюшмаси аъзолари мақсадли хисобидан 13169 сўмлик йўланмалар берилди. Шунингдек, касаба уюшма аъзоларидан 130 нафари республикамизнинг тарихий зиёратгоҳларига саёҳатга олиб борилди.
Янги қабул қилинаётган жамоа шартномаларида касаначиликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш, корхона, ташкилот, хўжалиқларда меҳнат қилаётган ишчи-ҳодимлар иш жойлари қисқаришининг олдини олиш мақсадида иш берувчилар билан келишган ҳолда, зарур ҳолларда иш кунлари-

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИДА АЛИШЕР НАВОЙИ ТАВАЛЛУДИНИНГ 573 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

УЛУҒ ШОИРГА ЭҲТИРОМ

Унда адабиётшунос олимлар, таниқли шоир ва ёзувчилар, ўқитувчи ва талабалар иштирок этди.
Тадбирда сўзга чиққанлар таъкидлашганидек, Алишер Навоий маънавиятимиз шаклланиши, она тилимиз, адабиётимизда миллий идентификаторимиз тимсоллига айланган мутафаккир шоир, давлат ва жамоат арбобидир. У ўзининг ижодида йигирма олти мингдан зиёд сўздан иборат дуру гавҳарлар тизинини кўлга олиб, туркий тилининг мўъжизавий кудратини, ўзига хос жозибаси-

БАНК МАДАДИ БИЛАН ЭКСПОРТЧИ КОРХОНАГА АЙЛАНДИК



Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ақсулари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида қайд этганидек, кичик бизнес шаклан кичик бўлишига қарамасдан, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришда тобора катта роль ўйнамоқда.



Юртбошимиз яна таъкидлашларки, биз оддий бир ҳақиқатни доимо эсда тутишимиз даркор. Яъни, сармоясиз тараққиёт йўли, ишлаб чиқаришни ва умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди.
Ҳа, бу ҳақиқатни биз — тадбиркорлар ўз фаолиятимизда яққол кўриб турибмиз. Юртимизда тадбиркорлик соҳасига қаратилган янги эътибор натижасида ишимиз ривож топмоқда. Бу эътиборни биргина сармоясиз кўллаб-қувватлаш борасидаги жараёнда ҳам кўриш мумкин. Яъни банк хизматларининг тақомиллашуви,

молия муассасаларининг мадади ҳам кенгайиб бормоқда.
Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонамиз фаолиятдан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, эришаётган ютуқларимизни кўп жиҳатдан банк мадади билан боғлаймиз. Ишини йўлга қўйган — хизмат кўрсатаётган ёки маҳсулот ишлаб чиқараётган тадбиркор бир жойда тўхтаб қолмайди. Фаолиятини кенгайтириш, маҳсулот сифатини янада яхшилаш, янги иш ўринлари яратиш ҳаракати тушади. Бунинг учун тадбир кўради. Шу боис ҳам уни тадбиркор дейишди.
Биз ҳам шу мақсадни олдимизга қўйдик. Лойиха ишлаб чиқ-

дик. Бизнес-режамақоми пишиқдик. Унга қўра, маҳсулотларимизни икки баравар кўпайтириш, сифатини ошириш, ички бозорни маҳсулот билан таъминлаш, экспортни ҳам йўлга қўйиш мумкин бўлади. Энг муҳими, кўплаб ёшларни иш билан таъминлаш имкони яратилди.
Мақсадимизнинг юзага чиқиши учун фақатгина сармоя керак бўларди. Бунда биз яқин ҳамкоримиз — “Асака” банкка суяндик. Бизнес-лойихамизни кўриб чиққан банк жамоаси уни маъқуллади. Банкнинг мадади билан лицензия асосида замонавий технология олиб келиб, уни ўрнатдик. Шундай қилиб, фаолиятимиз кенгайди. Ишлаб чиқариш ҳажми икки баравар ошди. 40 нафар ёшларни — коллеж битирувчиларини иш билан таъминладик. Ўтган йили 4,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик. Бугунги кун маҳсулотларимизга нафақат ички бозорда, балки қўшни давлатлардан ҳам буюртмалар кўпайиб бормоқда. Бугун фахр би-

лан айтаемизки, банк мадади билан экспортчи корхонага айландик. Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтирмоқчимиз. Ишлаб чиқаришни яна бир неча бараварга кўпайтирмоқчимиз. Янги иш ўринлари ташкил этиб, унга коллежларда пухта таъбир эгаллаган ёшларни тақлиф этмоқчимиз. Сирасини айтганда, мақсади-

Эркин ХОДЖИБОВ, Сирғали туманидаги “Fayz foundation” масъулияти чекланган жамияти раҳбари.

ПРИГЛАШЕНИЕ № 2014 – 04 ДЛЯ УЧАСТИЯ В КОНКУРСНЫХ ТОРГАХ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ПРОГРАММЫ СТРОИТЕЛЬСТВА ЖИЛЬЯ ДЛЯ КОМПЛЕКСНОГО РАЗВИТИЯ СЕЛА

Издано: 11 февраля 2014 г.

1. Азиатский банк развития (АБР) предоставил Республике Узбекистан мультитраншевый механизм финансирования и заём на финансовое посредничество за счет обычных капитальных средств на финансирование расходов по «Программе строительства жилья для комплексного развития села». Средства вышеупомянутого займа будут использованы утвержденными покупателями жилых домов в сельской местности на покрытие платежей по заключенным контрактам для нижеуказанных лотов. Положения и условия контракта и платежи по данным контрактам должны, следовательно, соответствовать всем положениям и условиям Заемного соглашения с Азиатским банком развития, включая Руководство по закупкам. Конкурсные торги открыты для участников торгов из стран, удовлетворяющих квалификационным условиям АБР.

2. Для участия в торгах принимаются запечатанные предложения по вышеуказанным лотам от правомочных участников торгов. Только правомочные участники торгов, зарегистрированные в государственных органах и отвечающие ключевым требованиям оценки и критериям квалификации в соответствии с Разделом 3 тендерной документации могут быть допущены к конкурсному торгам. Участники торгов должны ознакомиться с тендерной документацией для принятия решения об участии в тендерных торгах.

3. Для получения дальнейшей информации и ознакомления с тендерной документацией, участникам торгов следует связаться с организаторами конкурсных торгов – соответствующим Территориальным консалтинговым центром по ценообразованию и конкурсному торгам по следующим адресам:

Бухарская область Адрес: г. Бухара, Проспект Навои 5. Телефон: (8 365) 223-96-29 Факс: (8 365) 223-97-51	Кашкадарьинская область Адрес: г. Карши, Проспект Ханабат 46а. Телефон: (8 375) 224-05-24 Факс: (8 375) 224-09-06	Наманганская область Адрес: г. Наманган, ул. Навоий 22. Телефон: (8 369) 226-14-50 Факс: (8 369) 226-47-91
Самаркандская область Адрес: г. Самарканд, пл. Куксарой 2д. Телефон: (8 366) 233-50-76 Факс: (8 366) 231-13-51	Сурхандарьинская область Адрес: г. Термиз, ул. А.Темур, 69. Телефон: (8 376) 222-44-76 Факс: (8 376) 222-44-73	Сырдарьинская область Адрес: г. Гулистан, ул. Ахтамова 30. Телефон: (8 367) 227-64-84 Факс: (8 367) 227-64-84
		Ташкентская область Адрес: г. Ташкент, ул. Навоий 18. Телефон: (8 371) 241-15-22 Факс: (8 371) 241-15-32

4. В целях приобретения тендерных документов на русском языке, правомочные участники торгов должны направить письмо организаторам конкурсных торгов на вышеуказанный адрес и приложить платежное поручение из банка о невозмещаемой оплате в сумме 85000 узбекских сумов. Языком торгов является русский язык. Все разделы тендерной документации доступны также на узбекском языке, только для ознакомления. Все контракты будут заключены на русском языке.

5. Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковский счет организатора конкурсных торгов – соответствующему Территориальному консалтинговому центру по конкурсному торгам и ценообразованию. Ниже представлены их реквизиты банковских счетов:

Бухарская область Банк: АТИБ "Ипотека банк" "Сардор" филиал. ИНН: 202435242 P/c: 20210000903550909001 ОКОНХ: 84500	Кашкадарьинская область Банк: ОАКБ "Узпромстройбанк" Каршинский филиал. ИНН: 202453632 P/c: 202100009038237110001 ОКОНХ 84500	Наманганская область Банк: "Асака Банк", Наманганский филиал. ИНН: 202393842 P/c: 2021000103196752001 ОКОНХ: 84500
Самаркандская область Банк: АОТБ "Алока Банк", Самаркандский филиал ИНН: 202427054 P/c: 20210000803783329001 ОКОНХ: 84500	Сурхандарьинская область Банк: ОАТБ "Хамкор банк" Термезский филиал ИНН: 202 574 427 P/c: 20210000504272552001 ОКОНХ 84500	Сырдарьинская область Банк: "Национальный банк" г. Гулистан ИНН: 202585476 P/c: 20210000303836766001 ОКОНХ: 84500
		Ташкентская область Банк: ОАКБ "Узпромстрой банк" Ташкентский обл. филиал ИНН: 300017720 P/c: 20210000704546027001 ОКОНХ: 84500

6. Форматы для документов, требуемых для подачи конкурсного предложения, определены в Разделе 1, Инструкции для участников торгов (ИУТ), которые входят в состав тендерной документации. Конкурсное предложение должно содержать Письмо-предложение об участии в тендерных торгах и остальные документы, приведенные в тендерной документации. Технические и Ценовые предложения должны быть представлены в отдельных запечатанных конвертах, оба вложенные в один внешний конверт, который тоже должен быть запечатан.

7. Техническое предложение должно содержать следующие документы, перечисленные в ИУТ 11.2 Тендерной документации:
— Письмо – техническое предложение;
— Декларация об обеспечении тендерного предложения в соответствии с ИУТ 19;
— Доверенность, уполномочивающая, подписывать Конкурсное предложение в соответствии с ИУТ 20.2;
— Документальное подтверждение квалификации Участника торгов для выполнения контракта, в соответствии с ИУТ 17;
— Техническое предложение в соответствии с ИУТ 16;
— Другие документы в соответствии с Информационной таблицей торгов Раздела 2.

8. Ценовое предложение должно содержать следующие документы, перечисленные в ИУТ 11.3 Тендерной документации:
а) Письмо – ценовое предложение;
б) Ресурсные сметы и заполненные таблицы цен, в соответствии с Информационной таблицей торгов, а также и ИУТ 12 и 14;
с) Другие документы, указанные в Информационной таблице торгов.

9. В дополнение к оригиналу конкурсного предложения, нужно представить две копии, вложенные и запечатанные в отдельные конверты четко маркированные «Копия», которые должны быть в точности такими же, как и оригинал.
